

Регистон ва Тожмаҳални нима боғлаб туради?



17:30 / 19.04.2025 944

Шарқнинг бетакрор меъморий ёдгорликлари орасида Регистон ва Тожмаҳал алоҳида ўрин тутди. Улар нафақат ўз даврининг буюк иншоотлари, балки маданий алоқалар тимсоли сифатида ҳам аҳамиятлидир. Қизиғи шундаки, Самарқанддаги Регистон майдони ва Аградаги Тожмаҳал деярли бир вақтда қурилган. Бу икки муҳташам бино ўртасидаги ўхшашликлар тасодиф эмас, балки Аштархонийлар ва Бобурийлар давлатлари ўртасидаги чуқур маданий ва меъморий ҳамкорликнинг натижасидир.

17 асрда ушбу икки буюк давлат ўртасида дипломатик ва иқтисодий алоқалар юқори поғонага кўтарилган эди. Бунини Аврангзеб ҳукмронлиги даврида ишланган Имомқулихон портрети ҳам тасдиқлайди. Регистон ва Тожмаҳал қурилишида ўз даврининг энг моҳир меъморлари иштирок этган,

улар бир-биридан андоза олиб, ўзаро ҳамкорлик қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази экспозициясида мазкур икки тарихий ёдгорликнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, меъморлари ва уларнинг бунёд этилиши тарихи ҳақида маълумотлар тўпланмоқда. Шунингдек, ушбу дурдоналарга бағишланган махсус медиа контентлар тайёрланиб, музейда намоиш этилиши режалаштирилган.

Манба: cisc.uz